

**ОШИҚ МУРОД ЧЎБОНЎҒЛИ ШЕЪРИЯТИ**

*Турк бахшилик (ошиқлик) адабиётининг ёрқин намоёналаридан бири
Ошиқ Мурод Чўбонўғли ижодидан намуналар доцент Жумали Шабанов
томонидан таржима қилинган*

Ошиқ Мурод Чўбонўғли ҳаёти ва ижоди

Турк ошиқлик санъатининг энг машҳур намоёналаридан бири Мурод Чўбонўғли 1940 йилнинг 1 ноябрида Туркия Жумҳуриятининг Қарс вилояти Қарс шаҳрининг Қалъажи маҳалласида туғилган. Отаси Ошиқ Гулистонийдир. Онаси эса Лола хоним бўлиб, у Мурод икки ёшга тўлганида вафот этади. 1947–1952 йилларда Қарсдаги Ғози Мухтор Пошшо бошланғич мактабида ўқиди. Кейин Қарс шаҳридаги ўрта умумтаълим мактабига кирди. Лекин ўқиши чала қолди. Кейинчалик армияда хизматини ўтаб қайтгач, сиртдан 1982 йилда ўрта мактабни, 1992 йилда эса лицейни тамомлади. Анадолу Университети-га сиртдан ўқишга кирази. Лекин унда ўқишни давом эттира олмай ташлаб кетади. Мурод 12 ёшдан қўшиқ куйлай бошлайди. Унинг устози отаси Ошиқ Гулистонийдир. Кейинчалик Мурод Чўбонўғли пософлик Ошиқ Мудоний, гурешкентлик Ошиқ Ниҳоний, қағизманлик Жамол Хўжа, арданучлик Эфкорий ва бошқа ошиқлардан ҳам кўп нарсаларни ўрганади. 1957 йил 24 сентябрьда Қарс шаҳрида ўтказилган ошиқлар (бахшилар) айтишувида (бахсида) биринчи ўринни эгаллайди. 1965 йилда эса Коня шаҳрида ўтказилган Туркия ошиқлар байрамида Жумҳуриятда биринчи ўринни эгаллайди. Бу бахсда у машҳур Ошиқ Мудоний билан тортишади ва “Қизир ўғли Мустафо Бей” қўшиғи билан биринчилиكنи қўлга киритади. Бу биринчилик унга шухрат келтиради. У бутун Туркияни кезиб чиқади. 1960 йилдан бошлаб чет элларга бориб, қўшиқ куйлайди.

Дастлаб Германияга, кейинчалик Франция, Бельгия, Голландия каби давлатларга ҳам боради. 70-йилларда Эронга, Англияга, Шимоллий Кипрга боради.

Ошиқ Мурод Чўбонўғли икки марта “Олтин Диск” мукофотини олади. Биринчи олтинни “Kül etmedi mi?” (Кул қилмадимми?) қўшиғи учун олган бўлса, иккинчисини “Dön Vana” (Менга қайт) қўшиғи учун олади.

Ошиқ Мурод Чўбонўғли 1972 йил 21 октябрьда “Йилнинг энг яхши бахшиси” унвонига сазовор бўлган.

Ошиқ Мурод Чўбонўғлининг Онили Ҳаққи Вироний, Мурсал Синан, Ориф Теллиўғли, Илгар Чифтчи каби ўнлаб шоғирдлари бор. Машҳур шоир, Ошиқ Мурод Чўбонўғли юзлаб шеърлар, бир нечта дostonлар муаллифидир. Ошиқ Мурод Чўбонўғли 2005 йил 26 мартда Анкара шаҳрида вафот этган.

Кўзгу

*Ёшлик ўтди кетди, келди кексалик,
Ажабо боқдингми юз кўзгусига,
Умр мавсум каби, куз-қиши бордир,
Алданма келгуси ёз кўзгусига.*

*Оғир яраларга дармон бўлганлар,
Уч кунлик дунёда меҳмон бўлганлар,
Ўзи, сўзи тўғри инсон бўлганлар,
Асло чанг текизмас қалб кўзгусига.*

*Инсонни қийнагай аччиқ бу умр,
Не ёзилган бўлса у эмиш тақдир,
Уч сўйла, беш тингла ҳамда жавоб бер,
Диққат қил, аввало сўз кўзгусига.*



Албатта сўзлайди Ҳаққа етганлар,
Ҳақ учун жонини фидо этганлар,
Ўзини оламда гўзал билганлар,
Аввало боқарлар ўз кўзгусига.

Чўбонўгли ҳар кимнинг бир ёри бор,
Яратганнинг туганмас берари бор,
Гўзалларда Яратганнинг нури бор,
Агар боққан бўлсанг кўз кўзгусига.

Ҳисобини сўрайди

Богда богбон яшинатолмас ўз богин,
Гуллар бир кун ҳисобини сўрайди.
Гар ёқмоқ бўлсангда дўстлик ўчогин,
Эллар бир кун ҳисобини сўрайди.

Ҳар инсонга очма кўнгил сирингни,
Йўқотмагин номусинг-ла орингни.
Гар ҳаром йўлга сарфларсан борингни,
Бойлик бир кун ҳисобини сўрайди.

Тўғри йўлдан қайирмагин изингни,
Кўлдан берма дунёда ўзлинггни.
Ўйламасдан айтаверсанг сўзингни,
Тиллар бир кун ҳисобини сўрайди.

Ҳақни қўйиб, қулга бўйин эгарсан,
Аччиқ сўз-ла қул қалбига тегарсан.
Фақирни эзиб, мазлумни гар урсанг,
Кўллар бир кун ҳисобини сўрайди.

Албат келар ёзилгани бошингга,
Заҳар қўшма аҳбобингнинг ошига.
Кунлар бекор ўтар шу ёш бошингга,
Йиллар бир кун ҳисобини сўрайди.

Кўлдан берма баҳоринг-у ёзингни,
Тушма кўздан, ҳеч ким тортмас нозингни.
Чўбонўгли, диққатла чал созингни,
Торлар бир кун ҳисобини сўрайди.

Нелар бўлғай

Кел, йиғмала, телба кўнгил,
Тонг отгунча нелар бўлғай.
Ҳар нарсани тақдирга йўй,
Тонг отгунча нелар бўлғай!

Яратганни қилма инкор,
Удур Раҳмон, удур Хункор,

Ҳар оқиомнинг ҳам тонги бор,
Тонг отгунча нелар бўлғай!

Бу богларнинг богбони бор,
Ҳар ишининг ўз замони бор.
Ҳар дарднинг ҳам дармони бор,
Тонг отгунча нелар бўлғай!

Ҳар сўзга ишониб қолма,
Ёлгонга алданиб қолма,
Мазлумни эзувчи бўлма,
Тонг отгунча нелар бўлғай!

Ўзингни ўтларда ёқма,
Диққатли бўл, издан чиқма.
Сен осмонга кўп ҳам боқма,
Тонг отгунча нелар бўлғай!

Чўбонўгли не айтадур
Тадбирни бузармиши тақдир,
Билмам, излаганинг надир,
Тонг отгунча нелар бўлғай!

Уйгон кўнгил

Дунё боқий, инсон ёлгон,
Уйгон кўнгил, кўнгил уйгон.
Ёшлик чоғим бўлди талон,
Уйгон кўнгил, кўнгил уйгон.

Кўзларимдан оқар ёшлар,
Тиззаларда оғриқ бошлар,
Етмасми қилганинг ишлар?
Уйгон кўнгил, кўнгил уйгон.

Дунёга бор не даъвоинг?
Бир кунда йиқилар уйинг.
Қайда отанг, қайда онанг?
Уйгон кўнгил, кўнгил уйгон.

Чўбонўгли азоб чекар,
Бир кун машҳур бўлиб кетар,
Абадий манзилга етар,
Уйгон кўнгил, кўнгил уйгон.

Севганим

Мен сўзлайман дардимни ол қаламга,
Кўнгил дафтарингга ёзма, севгилим!
Сен мени юбординг гурбат элларга,
Илтимос, бағримни эзма, севгилим!



SHARQ MASH'ALI



Кўлингга сурибсан алвонли хина,
 Хоҳ мени англа, хоҳла англама,
 Кўнглимга қурдирдим айвонли бино,
 Келиб бу бинога, кетма, севгилим!

Булбул бекор кезмас гунча боғларни,
 Йилпиратдинг созимда чалган торларни,
 Тақдир айлантирар гурбат элларни,
 Илтимос, менга қаҳр қилма, севгилим!

Хайқирдим эшитмас бўлдинг сасимни,
 Сендан бошқа ким ҳам тутар азамни?
 Сен бир дорсан, мен бир Насимий,
 Ҳам сўйиб, теримни шилма, севгилим!

Чўбонўгли ҳамроҳ олди ёнига,
 Кун келар ажал чанг солди жонига,
 Созида келмадинг қулбам ёнига,
 Ўлар бўлсам қабрим қазма, СЕВГИЛИМ!

